



“БИЗ ФАЛАСТИН ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМ ЭКАНИМИЗНИ ҚАТЪИЙ БИЛДИРАМИЗ ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг илгари қабул қилинган резолюцияларига мувофиқ ўз мустақил давлатини барпо этишга бўлган ҳуқуқини қўллаб-қувватлаймиз”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ.

ХДР

1918-йил
21-йундан чиқа
boshlagan

№43, 2023-йил
1-ноябр,
chorshanba (32.789)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O'zbekiston OVOZI

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА КУЗ- ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИКИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни гидроэнергетика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва энергетика тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича вазифалар ижроси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Гидроэлектр станциялар кунлик энергияни барқарор таъминлашда энг самарали восита. Улардан олинадиган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Шу боис бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Дастлабки ўрганишларга кўра, юртимиздаги гидроэнергетика салоҳияти 8 минг мегаваттни ташкил қилади. Лекин ҳозир бунинг 2 минг 200 мегаватти ишлатилмоқда, холос. Соҳага хорижий инвестиция ва хусусий секторни жалб қилиб, 2030 йилга қадар жами қувватларни 6 минг мегаваттга етказиш белгиланган.

Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, кичик ва микро ГЭСларни қуриш истагидаги тадбиркорларга ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрни давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинган.

Йиғилишда соҳадаги лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилди.

Бу йил 20 та, 2024 йилда 38 та кичик ва микро ГЭС қуриш режалаштирилгани, лекин айрим лойиҳалар кечикаётгани қайд этилди. Вилоят ҳокимлари яқин ойларда бу йилги 20 та станция ишга туширилиши ҳақида ахборот берди.

Шунингдек, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан жами қуввати 197 мегаватт бўлган 7 та йирик ГЭС фойдаланишга топширилади. Бунинг ҳисобига электр ишлаб чиқариш 7 миллиард килловатт-соатга етказилади.

Маълумки, куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари Президентимизнинг доимий диққат марказида бўлиб турибди. Йиғилишда энергетика тизимида шу борадаги ишларга тўхталиб ўтилди.

Сўнгги беш йилда мазкур тармоқ ва трансформаторларни модернизация қилишга 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Жорий йилда Тошкент шаҳридаги энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича катта дастур бошланди.

Шунингдек, ҳар бир вилоятда куз-қишни бета-лафот ўтказиш учун камида 10 миллиард сўмдан захира шакллантирилмоқда. Бу маблағлар эвазига трансформатор, сим ва бошқа эҳтиёт қисмлар янгиланган.

Мутасаддиларга таъмирлаш ва модернизация ишларини жадаллаштиришга барча куч ва воситаларни сафарбар қилиш бўйича топшириқ берилди.

Шунингдек, куз-қиш мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасалари эҳтиёжи учун кўмир етказиб бериш масалаларига тўхталиб ўтилди. Бу борада қўшимча захира яратиш, хусусий секторни ҳам жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Аҳоли эҳтиёжи учун етказиб берилган кўмирни юқори нархларда ноқонуний сотиб юбориш ва талон-торож қилишга йўл қўймаслик бўйича қатъий кўрсатма берилди.

ЎзА.

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон 1-2 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Самарқанд шаҳрида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади. Уларда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Савдо-иқтисодиёт, инновация, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари эътибор марказида бўлади.

Ўзбекистон ва Франция раҳбарлари икки мамлакатнинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари иштирокидаги қўшма бизнес форуми ишида ҳам иштирок этадилар.

Саммит якунида бир қатор ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар ҳамда савдо-инвестициявий келишувлар тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎзА.

1 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН



ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ 32 ЁШДА!

Хурматли партиядошлар!

Мустақиллигимиз билан тенгдош Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кун билан барчангизни чин қалбдан муборакбод этамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиздаги барча президентлик ва парламент сайловларида муносиб иштирок этди, халқимиз ва электорати манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтмоқда.

Бугунги кунда сафимизда 500 мингдан зиёд аъзо ва тарафдорларимиз борлиги партияимизнинг ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги, ижтимоий бирдамликка асосланган ғоялари халқимиз

томонидан фаол қўллаб-қувватланаётганини англатади.

Азиз партиядошлар, халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун, деган эзгу мақсад йўлидаги фидокорона фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз!

Мустаҳкам соғлиқ, оилавий тинчлик-хотиржамлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги фракцияси раҳбари.

ЯҚИН ШАРҚДА КЕСКИНЛАШАЁТГАН ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни ўтказган гидроэнергетика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва энергетика тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича вазифалар ижроси юзасидан йиғилишда ҳозирги кунда бутун дунёда катта ташвиш ва хавотир уйғотаётган масалага алоҳида тўхталиб ўтди.

“Маълумки, Исроил армияси ва Хамас ҳаракати ўртасида давом этаётган қуролли тўқнашувлар гуманитар инқирозни чуқурлаштирмоқда, тинч, бегуноҳ аҳоли орасида кўп сонли қурбонларга олиб келмоқда.

Болалар ва аёллар ҳалок бўлмоқда, одамлар бошпанасидан айрилмоқда, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда.

Биз Фаластин ва Исроил томонидан қурбон бўлган барча инсонларнинг оилаларига чин дилдан таъзия ва ҳамдардлик изҳор этамиз.

Мен ғазо сектори аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқ агентлигига 1 миллион 500 минг доллар ажратиш ҳақида қарор қабул қилдим.

Биз Фаластин халқи билан бирдам эканимизни қатъий билдирамиз ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг илгари қабул қилинган резолюцияларига мувофиқ ўз мустақил давлатини барпо этишга бўлган ҳуқуқини қўллаб-қувватлаймиз.

Зўравонлик янада авж олаверса, бу халқаро вазиятнинг кенг миқёсда издан чиқишига, қуролли тўқнашувларга янги кучлар тортилишига олиб келади.

Буларнинг барчаси Яқин Шарқ минтақаси билан чекланмай, узок ўлкаларга ҳам тарқалиб кетадиган, оқибатини башорат қилиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келиши мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам биз ҳар икки томонни зудлик билан гуманитар мақсадларда муросага келишга, жанговар ҳаракатларни тўхтатиб, низони тинчлик йўли билан ҳал этишга чақирамиз.

Маълумки, биз яшаётган Марказий Осиё минтақаси турли миллат ва конфессиялар вакилларининг ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечириши бўйича ноёб тажрибага эга. Бу заминда асрлар давомида мусулмон, христиан ва яҳудийлар дўстлик ва ҳамжиҳатликда ёнма-ён яшаб келяптилар.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга, аввало, ёшларимизга мурожаат қилиб, уларни турли ёлгон ташвиқотларга берилмасликка, қонунга зид хатти-ҳаракатлар содир этмасликка чақираман.

Бизнинг энг катта кучимиз, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч ва осойишта ҳаётимизни, ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлигимизни барчамиз биргаликда асрашимиз зарур”, – деди давлатимиз раҳбари.

ЎзА.

ҚАШҚАДАРЁ
ЙИЛИ БЎЛАДИ
РЕЖАЛАР,
ОРЗУЛАР ВА
ИСТИҚБОЛ

2 САҲИФА

ТИРБАНД ВА
АСАБИЙЛА-
ШАЁТГАН
ТОШКЕНТ

8 САҲИФА

ҚАШҚАДАРЁ ЙИЛИ БЎЛАДИ

РЕЖАЛАР, ОРЗУЛАР ВА ИСТИҚБОЛ



Ўзбекистон Президентининг Қашқадарё вилоятига ташрифи ва тузилган улкан режалар воҳа аҳлининг орзулари, бунёдкорлик ишлари билан чамбарчас боғлиқ. Одамлар раҳбаримизнинг сўзларини, тилаklarини эшитиб, бир-бирларига қўтлуғ ниятларини қўшиб етказишмоқда.

Қарши – донишмандлар шаҳри. Шаҳар аҳлининг ҳурматида сазовор бўлган кишилардан бири Рашид ака Муртазоев билан анчадан буён танишмиз. Асл касби ўқитувчи бўлгани туфайли мактабларга раҳбарлик қилган, шаҳар маҳалла тизимида етакчи бўлган, анча йилдан буён ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, депутат, хуллас, ташкилотчи, яхши нотик, кайвони. “Қалби меҳрга тўла, тафаккури юксак, келажакни кўра билувчи давлат раҳбари халқнинг чинакам бахти”, деган эди у.

– Агар Президентимиз билан учрашсам кўп тилаklarаримни айтаман, деб орзу қилардим, – дейди Рашид ака.

– Айтдингизми?
– Мана, шу “Ойдин” маҳалласида кутиб олдик, – давом этади Рашид ака. – Ҳаммамиз билан самимий сўрашдилар. Мен кўришаётганимда “Халқимиз сизга меҳр қўйган, соғ бўлинг”, дедим. Шундай улкан режаларни ўртага ташладиларки, йиғилишда қатнашган барчамизнинг кўнглимизга нур ингандай эди. Улгурганимча ён дафтаримга ёзиб олганман, мана... Хўш, вилоятимизга 1 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритилар экан. Саноат янада ривожланиб, экспорт ҳажми 500 миллион доллардан ошаркан.

Нуқсонлардан ҳам кўз юммаслик керак. Раҳбаримиз Қарши туманига борганларида сифатсиз таъмирланган мактаб, шароити ёмон шифохонани кўрганларини ачиниб гапириб бердилар. Ўтган йили 30 та, бу йил 16 та мактабнинг битирувчилардан бирор ўқувчи олий ўқув юртига киролмабди. Бу бизга ярашмайди.

Имкониятлар катта. Яхши натижалар ҳам оз эмас. Қарши шаҳридаги Президент мактаби ва Абдулла Орипов номидаги ижод мактабнинг барча битирувчилари олий ўқув юрларининг талабаси бўлишди. Таълим соҳасида катта режалар белгиланди, тиббиётга катта эътибор, туризмин ривожлантириш, меҳмонхоналар қуриш, воҳанинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш борасидаги янгилекларни айтиб ўтирмай.

Маҳаллаларни ривожлантириш, ҳар бирига Республика ўрмон хўжалиги орқали камидан 200 тадан меваали ва манзарали кўчатлар етказиб бериш, Қаршидан то Шаҳрисабзга етгунча йўл четида янги узумзорлар барпо этиш тақлифлари ниҳоятда маъқул тушди.

– Ҳозир Қарши шаҳри каллакланган да-рахтдай туюлади...

– Сиз яшаётган Китоб ёки Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларининг одамлари Қарши шаҳрига келиб тутхўрлик қилиб кетишади, – дейди сал жаҳлланиб Рашид ака.

– Илтимос, кўнглингизга олманг. Мен бир неча йил бурун қурилиш баҳонасида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳри, яна кўпгина туманларда баланд бўйли, кўп йиллик чинор, ясен-шумтол ва бошқа дарахтлар кесилиб кетганига ачина-ябман. Мамлакатимиз раҳбарининг “Яшил макон” ташаббуси чинакам мевазорлар, ўрмонларни яратишга йўл очгани, аммо ҳамма жойни қуриб қоладиган, сояси йўқ арчалар билан тўлдирмаслик ҳақида гапираябман.

– Ҳа, балли, Юртбошимиз бу масалада катта режа ва тилаklarарни айтдилар, – юмшаб гапиради Рашид ака. – Хатоларни асло такрорлашмаслигимиз керак...

“Ойдин” маҳалласида 60 дан ортиқ кўп қаватли уй бор экан. Яна 11 та (шундан 7 таси 5 қаватли) янги уйлар қурилиб, хонадон эгалари аллақачон кўчиб киришибди. Тоза ичимлик суви илгари хонадонларга икки маҳал бериларди, энди тўлиқ таъминланган. Иситиш ускуналари, ошхона жиҳозлари замонавий.

Янги уйларнинг бирига оиласи билан кўчиб кирган маҳалла раиси Нодида Ҳакимова энди тизимда ишлайдиганлар кўпайиши, аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтирилиши ҳақида гапириб берди.

– Очиғини айтсам, раҳбаримиз шунчалик самимий суҳбатлашдиларки, дилимизни очиб солдик, – дейди ҳаяжон билан Нодида. – Мендан у киши солиқчи, участка инспектори билан ишлаш қийин эмасми, деб сўрадилар, “Келишиб, ҳамкорликда ишлаймиз”, деб жавоб бердим. Энди ишларимиз янада жонланеди.

– Раҳбаримиз маҳалламизга келганларида Дурдона қизчам деразани очиб, “Бобожон, уйимизга келинг”, деса бўладими, – дейди биринчи қаватдаги хонадонда яшаётган тадбиркор Дилшод Набиев.

– Улуғ бобомиз мени кучоқлаб, бағриларига босдилар, укам Мустафого нон синдириб бериб, ўзлари ҳам чой ичдилар, – дейди болаларга хос севинч билан саккиз ёшли Дурдона.

– Мен ўқитувчиман, – дея тортинганча суҳбатга қўшилиди оила бекаси Хуррият Жўраева. – Давлатимиз раҳбарининг хонадонимизга меҳмон бўлганларини фарзандларимиз бир умр унуттишмайди. У киши ёшларнинг келажиги учун тинмай ғамхўрлик қилаётганлари ҳақида ўқувчиларимга сўзлаб бераман. Келажак истеъдодли ёшлар қўлида.

– Мени эшитлеспизми, – телефонимга боғланади шу пайт Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Комила Каромова – Ҳозир Деҳқонобод туманига боряпмиз, тоғларга элтадиган йўлдамиз, аммо сабрим чидамади. Давлатимиз раҳбари ўртага ташлаган улғувор режалар, халқимизга нисбатан меҳрга тўла сўзларини мен ҳам жон қўлогим билан эшитдим. Бир аёл, она сифатида севинаман.

Биласизми, 2015 йилда Олий Мажлиснинг депутати сифатида Чироқчи туманининг “Чиял” қишлоғидаги ҳароба туғуруқхонани кўриб, юрагимда чексиз оғриқ сезганман. Шўкр, кейинги бир неча йил ичида вилоятимизда тиббиёт соҳасида яхши ўзгаришлар юз берди. Масалан, Қарши шаҳридаги Республика кардиология илмий-амалий ва эндокринология марказларининг филиаллари учун қурилган замонавий шифохоналарни Президентимизнинг ўзлари келиб очиб берган эдилар. Ҳозир бу шифохоналарда мураккаб жарроҳлик амалиётлари, даволаш усуллари қўлланиб, беморлар ҳаётга қайтарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу сафар Она ва бола марказини кўриб, қимматли маслаҳатлар бердилар. Бу жойда бўлажак оналар учун ҳамма шароит муҳайё. Беларусь давлатида оналар ўлими йўқлиги, уларнинг тажрибасини ўрганиш, замонавий тиббий ускуналарни ишлатадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш лозимлигини уқтирдилар. Аёлларнинг қадрини кўтариш, меҳнат қилиши, фарзанд ўстириши борасида кўрсатилаётган бу ғамхўрликлар ўз самарасини беради. Келгуси йил таълим ва тиббиётни ривожлантириш йили бўлади Қашқадарё учун.

Шаҳарнинг “Қавали” маҳалласидаги 6-7 гектар майдонда янги саноат марказини кўрган раҳбаримиз, шу жойда мамлакатимиз ва вилоят тараққиётига дахлдор режаларни ўртага ташладилар. Тадбиркорлар, вилоят фаолларидан айримларининг фикрларини ёзиб олдим.

Саломат Комилова, Қарши мебель корхонаси бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси:

– Биз ҳам саноат зонасида янги мебель цехини ишга туширдик, 50 киши меҳнат қилаяпти. Катта корхонамизни ҳам қўшсак, 100 нафар мебелчимиз бор. Ўттиз йилдан буён тадбиркорман, машаққат билан корхонани оёққа тургизганмиз. Президентимизнинг халқимизнинг яхши яшаши, фарзандларимиз камолоти, давлатимиз қудратини ошириш учун ўзларини аямай ҳаракат қилаётганларини кўриб, жумладан, Қашқадарё вилояти келажигига боғлиқ режаларни ўз оғизларидан эшитиб, ростки, фахрландим. Воҳада саноатни ривожлантириш, табиий бойликлардан унумли фойдаланишнинг катта имкониятлари бор.

Дилором Қувватова, тадбиркор:

– Очиғи, турли қийинчиликларни кўрганман. Умр йўлдошим билан Россияда ишлардик, Абхазияда тикувчилик цехини очгандим. Республика телевидениесини бир гал томоша қилганимда, Президентимиз “Битта иш ўрни яратган тадбиркорни бошимга кўтараман”, десалар бўладими. Роса ҳаяжонга тушибман.

Хуллас, юртимизга қайтиб, тадбиркорликни бошладим. Мактаб таълими билан қолиб кетгандим, ҳозир Самарқанддаги “Ипак йўли” туризм университетининг сиртқи бўлимида ўқияпман. Мана шу саноат зонасида “Пегас” МЧЖ бизга алоҳида жой ажратиб берди, натижада 20 чевар касаначини бирлаштириб, кўрпа-тўшак ва бошқа буюмларни тайёрла-япмиз. Хитой давлатида ясалган, вазни 1,6 тонна чиқадиған кўрпа қавиш ускунасида фойдаланаямиз. **Раҳбаримиз мен билан суҳбатлашганларида 3-4 эҳтиёт қисмини Хитой давлатидан олиб келсагу, мосламани юртимизда ясакач, чеварлар қўлайликдан баҳраманд бўлса, деган тақлифни билдирдим.** У киши маъқуллаб, тегишли мутасаддиларга кўрсатма бердилар. Орзуларим ҳақида сўраганларида, “Касби туманида ўз кластерини очсам, корхоналар курсам”, дебман, дарҳол ҳижолат тортдим. Аммо раҳбаримиз “ниятингизга етинг”, деганларида бу дунёнинг катта бойлигига эга бўлгандек сездим ўзимни, чеккан заҳматларим бир зумда унутилди...

Зайниддин Саломов, 1–қўрилиш ва лойиҳа кластери бошлиғи:

– Уч ўғлим олий маълумотли, иккитаси қурилиш муҳандиси, ёнимга кирган. Тўртинчиси Тошкентдаги хорижий илм даргоҳи талабаси. Кенжам Бекзоджон Германияда таълим олмоқда. Буларнинг ҳаммаси юртимизда ёшлар учун яратиб берилаётган шароит ва ғамхўрлик самараси. Юртбошимиз таълим соҳасида ҳали кўп вазифалар борлигини айтдиларки, фикрларига тўлиқ қўшиламан.

Саноат марказида янги қурилиш ашёлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Корхонамизга тегишли 3 та заводимиз бор. Биргина гишт заводимиз йилига 10 миллион донга гишт тайёрлаш қувватига эга. Давлатимиз раҳбари ишимиздан хурсанд бўлдилар. Мен у кишига қураётган уй-жой, майишй бинолар сифати, камидан 50 фойз ашёларни ўзимиз ишлаб чиқараётганимиз ҳақида гапириб бердим.

Эркин Бобоқулов, Нишон тумани ҳокимининг ўринбосари:

– Кўп вақтингизни олмайман. Энг кўп пахта ва ғалла етиштираётган туманлардан биримиз. Бу йилги натижалар ҳам яхши. Ки-мошди савдосида ер олган 1,5 минг деҳқон хўжалиги турфа сабзавотлар етиштирмоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Тадбиркор Шавкат Султонов хориждан ёмғирлатиб сўғориш ускунасини олиб келиб, анча

майдонда картошка етиштирди ва чўл шароитида мўл ҳосил олиш мумкинлигини амалда исбот қилди.

Туманимиз ҳокими Президентимиз ўтказган йиғилишда бир масалада ёрдам беришни сўра-ганди. Гап бундай. “Талимаржон” ГРЭСи ёни-даги салкам 8 гектар майдонга эга бўлган эски иссиқхона 4,9 миллиард сўмга баҳолашиб, ки-мошди савдосига қўйилган. Буни юқорида тил-га олган тадбиркоримиз сотиб олмоқчи, аммо маблағни 5 йилда эмас, 10 йилда тўласа, ен-гиллик бўлар эди. Минг раҳматки, давлатимиз раҳбари бу масалани ижобий ҳал қилиш юза-сидан тегишли топшириқ берди. Бу масала ҳал бўлса, шу жойда агрологистика маркази барпо этилади. Туманимизда ўзгариш ва янгилеклар кўп, режалар эса ундан-да истиқболли. Ке-линг, ўз кўзингиз билан кўрасиз...

Китоб туманига қайтиб келдим ва маши-намни юксак тоғлар бағридаги “Тахтақора-ча” довони пойига ҳайдаб бориб, тўхтатдим. Академик Ртвеладзе “Ўтиш ёдгорликлари” китобида бундан 2,5 минг йил бурун фотиҳ Александр Македонский шу доvon йўлидан ўтиб, Самарқандни ишғол қилгани ҳақида ёз-ган эди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида 32 бурилишли тоғ йўли қурилганди. 1972 йилда 9 бурилишли доvon йўли фойдаланишга топ-ширилган. Аммо йиллар давомида йўлнинг сифати талаблар даражасига етмади.

Аҳад Бердиев, “Китоб сайёҳ” корхонаси бошлиғи, адиб, Марказий Осиё Турон фанлар академияси академиғи:

– Сиз “Тахтақорача” доvonидамисиз? Мен эса ҳозиргина қўшни Қозоғистоннинг Турки-стон шаҳридан келдим, 20 саёҳатчини олиб боргандик. Самарқанд ва Китобни боғлов-чи тарихий доvon йўлини кенгайтириш учун Президентимиз катта маблағ ажратганлари, денгиз сатҳидан 2,7 минг метр баландлик-даги “Майданак” обсерваторияси жойлашган худудда меҳмонхона қурилиши, туризмни янада ривожлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, қалбим қувончга тўлди.

Нега дейсизми? Кўп йиллардан буён са-ёҳатчилар билан ишлайман, қийинчиликлар-ни айтмай қўя қолай. Ҳайрият, давр ва ту-ризмга муносабат ўзгарди. Корхонамизга 20 сотих ер ажратишди, кредит олиб сайёҳлар учун янги меҳмонхона қўрдик. Корхонамиз бир йил ичида 3,5 минг сайёҳга хизмат кўр-сатди. Уларни Хива, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларга, зиёрат-гоҳларга олиб бордик. Юртимизга талпинаёт-ган хорижлик саёҳатчилар кўп, фақат уларга муносиб хизмат кўрсатишимиз лозим.

Муҳайё Алмирзаева, Шаҳрисабз шаҳар ҳокими ўринбосари:

– Президентимиз Қаршидаги йиғилишда воҳа аҳлининг 42 фойзи меъёридан ортиқ-ча вазнга эга эканини айтганларида, “шу муаммо ҳам эътиборларида экан-да”, деб ҳайратга тушдим. Кейин ўзим ҳам гоҳ озиб, гоҳ тўлишиб юрганимни эслаб, спортни ри-вожлантириш, аҳоли саломатлигини яхши-лаш борасида ҳали камчиликлар кўпчилигини дилимдан ўтказдим. Сизга айтсам, шу йил ёзда Франция давлатидан саёҳатга келган бир тадбиркор аёлнинг тақлифи билан бир неча киши Парижда бўлдик. Шароит яра-тиб беришди, Шаҳрисабз чеварлари тиккан буюмлар кўрғазмасини очдик. Кўрдикки, французлар миллий маданиятимиз, тари-химиз, саёҳатбоб манзилларимизга жуда қизиқишар экан. Мамлакатимиз раҳбари Шаҳрисабз туризм марказига айланишини, янги меҳмонхоналар қурилишини айтдилар. Демак, ҳали кўп ишлашимиз, изланишимиз керак...

Яширмайман, қашқадарёлик бир журна-лист сифатида қалбим фаҳрга тўла шу кун-ларда. Кўп қўтлуғ ниятлар, жўяли тақлифлар-ни эшитдим ва охирида партиямиздан вило-ят Кенгаши депутати, вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси, воҳанинг ёши улўғ кайвониси Январь Иноятовга мурожаат қилдим. У киши шундай дедилар:

– Фикрларимни йиғилишда айтгандим, телевизор орқали ҳам кўрсатишибди. Улар-ни такрорласам қандай бўларкин? Хўп... Халқ фаровонлиғи, бахти учун ўзини аямай меҳнат қилаётган раҳбаримиз соғ-омон бўл-син. Яна бир гап. У киши вилоятимиз аҳли-га чинакам фарзандлик меҳрини қўйганлар. “Келгуси йил, албатта, Қашқадарё йили бўлади”, деганларида ҳам чексиз меҳр му-жассам...

Эл кайвонисининг доно сўзлари қалбим-ни забт этди. Бирдан хотирамга келтираман, ахир вилоят тақил этилганига келгусида роса 100 йил тўлади. Ана, яна бир қувонч.

Мислсиз ер усти ва ер ости бойликлари ҳамда меҳнаткаш халқи билан Қашқадарё жонажон Ўзбекистонимизнинг қудратли та-янчидир. Шу аснода даҳо шоиримиз Абдулла Ориповнинг ғурури кўнглимда бош кўтаради: Бир неъмат бўлсин деб қалбда қонни ҳам Анор донасига жойлаган жонсан. Агар қўйиб берса кенг жаҳонни ҳам Зарга ўрагувчи Ўзбекистонсан!..

Юнос УЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА
МАМЛАКАТИМИЗДА КОМПЛЕКС
ЎЗГАРИШЛАРГА АСОС БЎЛАЁТГАН
ТУБ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАҲОН
СИЁСАТДОНЛАРИ ТАН ОЛМОҚДА.
ЎЗБЕКИСТОН ЮТУҚЛАРИ,
АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА ЖАҲОН
МИНБАРЛАРИДА ЭЪТИРОФ
ЭТИЛАЁТГАНИ ҲАР БИРИМИЗНИ
ҚУВОНТИРАДИ. ДУНЁ ДАВЛАТ
СИФАТИДА ЎЗГАРГАНИМИЗ, ХАЛҚ
СИФАТИДА ЎСАЁТГАНИМИЗГА
ИШОНДИ. БУНДАН КЕЙИН ҲАР
ТОМОНЛАМА МУНОСИБ БЎЛИШ
БУРЧИМИЗ.
ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ
ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ-
СИЁСИЙ МАКОННИ ЯРАТДИ.
УНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИДА
ЮРТДОШЛАРИМИЗ КАТТА ФАОЛЛИК
КЎРСАТГАНИ ҲАМ ҲУҚУҚИЙ-СИЁСИЙ
ТАФАККУР КЕНГАЙГАНИДАН
ДАЛОЛАТ БЕРАДИ. ДЕМАК, КЕЛАСИ
ЙИЛ БЎЛИШИ КУТИЛАЁТГАН
ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ
САЙЛОВЛАРДА БУТУНЛАЙ ЯНГИЧА
КАЙФИЯТДАГИ САЙЛОВЧИЛАРНИ
КЎРАМИЗ.



ЮРИШ СЎЛЛАРДА

ШАХС ЭМАС, ҒОЯ МУҲИМ
Парламент сайловидаги бир жиҳатга тўхталиб ўтмоқчиман. Охириги икки парламент сайловининг натижаларига қарасак, кўпчилик сайловчилар нисбатан ўнг мафкурага таянган партияларга кўпроқ овоз бераётганига гувоҳ бўламиз. Бунинг бир қанча сабаблари бўлиши мумкин. Шулардан фақат биттасига эътибор бермоқчимиз. Моҳиятан ҳар бир сиёсий партия тарафдорлари, яъни сайловчилари кўпроқ бўлиши учун ҳаракат қилади. Ҳар бир фуқаро одатда ўзининг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб сиёсийлашади. Фуқаронинг бирламчи, устувор манфаатини қайси партия ёки депутатликка номзод ҳимоя қилишга ваъда бераётган бўлса, у ўша партия ёки депутатликка номзодга овоз беради. Бу – табиий жараён.
Лекин сайловчиларда партияларнинг дастурий ғоялари, сиёсий спектраги позицияси, ўнглار нима учун курашишию, сўллар нима учун курашиши ҳақида етарлича билим ва тушунча бўлмаса-чи? Бундай ҳолатда сайловчи кимнингдир ташқи кўриниши, кимнингдир маълумоти ёки таниши кимга овоз бераётган бўлса, ўшанга овоз бермаслигига ким ишонади?
Парламент сайловида фақат шахсга овоз бериб келингани сайловчиларнинг партиялар сиёсий ғоялари ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлишга ундамаган, албатта. Аммо кейинги сайловда вазият ўзгаради. Демак, бизнинг жамиятда ҳам сиёсий тафаккур, ғоялар ҳақида муҳокамалар фаоллашишига умид бор.
Ўзбекистонда ЯИМ айнаи даврга келиб 90 млрд доллар, деб айтилмоқда. Давлатимиз раҳбари яқин йилларда ЯИМ ҳажми 160 млрдга етишини таъкидлади. Агар йиллар кесимида олиб қарасак, Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиш тендецияси яққол кўринади. Бугунги кундаги 90 млрд доллар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, **икки ярим минг доллар атрофида тўғри келади. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш ва ҳаёт сифатини кўтаришга қаратилган ислохотлар бежизга эмас.**
Шундай экан, **сўллар парламентдаги ўрнини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиши керак.** Чунки, айнан ижтимоий ҳимоя, илғор ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий тенглик ғояларини сўллар ҳимоя қилади. Ва албатта, Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилиши ҳам бўлажак сайловларда **сўллар ўз мавқеини мустаҳкамлашига бир ишорадир.**
Энди асосий масалага ўтсак, сайловчиларга сўл партия ва ўнг партия ҳақида фундаментал тушунча етишмаслиги панд бераётгандир.
Шу ўринда газета ўқувчиларининг ақсари яти сўллар ва ўнглар ҳақида маълумотга

эга бўлса ҳам баъзи ёдидан кўтарилганларга бу тушунчаларнинг қандай пайдо бўлгани ва фарқли жиҳатлари ҳақида бироз гапирмоқчимиз.
Бугунги кундаги “сўл қанот” ва “ўнг қанот” сиёсий атамалари либераллар ва консерваторлар учун рамзий белгилар сифатида қўлланилади. Аммо бу тушунчалар дастлаб 1789 йилнинг ёзида, Франция Миллий Ассамблеяси аъзолари конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун йиғилган пайтда сиёсатчиларнинг жойлашиш-ўтириш тартибига нисбатан ишлатилган.
СЎЛ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?
Сиёсатда сўллар ижтимоий адолат ва тенгликни қўллайдди. Ислохотларни ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги тамойили бўйича олиб бориш тарафдори бўлишади.
ЎНГ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?
Ўнг сўзи консерватив қарашларга эга бўлган одамлар ёки гуруҳларни англатади. Бу одатда, улар мавжуд шароит ва институтларни сақлаб қолишга мойиллигини билдиради. Ёки улар аънавийларни тиклашни ва ўзгаришларни чеклашни хоҳлашади.
Сўл ва ўнг қанот мафкуралари ўртасидаги туб фарқлар одамларнинг ҳуқуқлари ва ҳукумат сиёсатида боғлиқ бўлади. Жумладан, чап қанот эътиқодлари кўпроқ эгилувчан характерга эга. Улар **жамиятга давлатнинг кенгайтирилган роли, яъни давлат асосий ташаббускор бўлса, фуқароларга фойдалироқ бўлишига ишонишади.**
Ўнг қанот мафкурачилари эса **одамлар энг яхши натижага шахснинг ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликлари устувор бўлганда ва ҳукуматнинг роли ва айниқса, кучи минималлаштирилганда эришилади,** деб ҳисоблашади.
Уларнинг фарқини янада яхшироқ тушунишимиз учун **иқтисодий соҳадаги қарашларига** юзланамиз.
СЎЛЛАР
Даромадлар тенглиги; бойларга нисбатан юқори солиқ ставкалари; ижтимоий дастурлар ва инфратузилмага давлат харажатлари; бизнесга нисбатан кучлироқ қоидалар яратиш.
ЎНГЛАР
Камроқ солиқлар; корхоналарга нисбатан тартибга солишни камайтириш; давлат харажатларини қисқартириш; бюджетнинг мувозанатлилигини таъминлаш.
Ғояларни фарқлашимиз ва қайси ғоялар биз учун муҳимроқ бўлса, ўша тарафдаги партияга эргашишимиз мумкин бўлади.
Бутун дунёда ишчи-хизматчилар, яъни асосий сайловчилар кўпроқ сўл партияларга эргашишади. Сабаби, улар

» **Парламент сайловида фақат шахсга овоз бериб келингани сайловчиларнинг партиялар сиёсий ғоялари ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлишга ундамаган, албатта. Аммо кейинги сайловда вазият ўзгаради. Демак, бизнинг жамиятда ҳам сиёсий тафаккур, ғоялар ҳақида муҳокамалар фаоллашишига умид бор.**

ижтимоий ҳимояга кўпроқ муҳтож бўлишини яхши билишади.
Бугунги кунда ҳар қандай сўл партия андоза олса арзигулик ва дунёдаги энг нуфузли партиялардан бири Буюк Британиянинг Лейбористлар партиясидир.
Ишчилар партияси ҳам деб аталадиган мазкур партия ҳақиқий сўл партия ҳисобланади. Ўша даврда Буюк Британияда Консерваторлар ва Либераллар партияси мавжуд эди. Лейбористлар партияси тузилганидан сўнг либералларнинг доҳийси ва узоқ йиллик етакчиси Давид Лойд-Жорж “Лейбористлар партиясининг тузилганлиги Либераллар ҳукуматининг хатосидир”, деган эди. **У тўғри айтган, бугунги кунда Либераллар партияси Буюк Британияда мавқеи жиҳатдан учинчи ўринга тушиб кетди.**
Бир сўз билан айтганда, сўл партиялар кўплаб мамлакатларнинг ишчи ва демократик ҳаракатларида таъсирли куч ҳисобланади. Сўл партияларга социал-демократик, социалистик, социал-либералистик ва бошқа сиёсий кучлар киради.

Ҳозирги кунда дунёда тахминан 100 дан зиёд сўл йўналишдаги партиялар мавжуд. Халқаро майдондаги кескин ўзгаришларга қарамай, бир асрдан ортиқроқ амалиётда сўллар мафкураси ўзининг ҳаётийлиги ва ижтимоий самарадорлигини кўрсатди. **Кўплаб сиёсий мафкуралар тушкунликка тушиб, жамиятдаги нуфузини буткул йўқотган пайтларда сўллар мафкураси ўз таъсирини кучайтирди.**
Унинг назарияси ортодоксал хусусиятга эга бўлмагани сабабли ижтимоий шароитга қараб мослашишига, ўзгаришига имкон берди. Мен сўлларга кўпроқ эътибор бердим, айбга бўрмайсиз, сабаби, ўзим ҳам сўлчиман.
Ҳамма андоза олишга уринадиган ва ҳеч курса амалиётига бир назар соладиган АҚШда сўллар ва ўнгларнинг қарашларини ажратиб турувчи бир мисол бор экан. Кўпчилик айнан шу мисол орқали ўзининг сўл ёки ўнглигини аниқлар экан. Бу аборт масаласидаги қарашлар экан.
Ҳамма андоза олишга уринадиган ва ҳеч курса амалиётига бир назар соладиган АҚШда сўллар ва ўнгларнинг қарашларини ажратиб турувчи бир мисол бор экан. Кўпчилик айнан шу мисол орқали ўзининг сўл ёки ўнглигини аниқлар экан. Бу аборт масаласидаги қарашлар экан.
Унга кўра, ўнглар ҳомила тирик эканлигига ишонади ва аборт қотиллик, деб ҳисоблашади.
Сўллар аёллар ўз таналарини назорат қилишлари керак ва абортни тақиқлаш аёлларнинг репродуктив ҳуқуқларини бузади, деб ҳисоблашади.
Ўзбекистонда бугун ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг мазмуни, мақсадига зийрак кўз билан тикилсангиз, ижтимоий йўналтирилган ташаббуслар кўплигига, сўлчилар ғояларини амалга ошириш йўлида катта қадамлар ташланаётгани кўринади.
Жамиятимизда ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш ниҳоятда зарур, сиз қайси соҳада ишлашингиз, қаерда яшашингиз, қанча даромад топишингиздан қатъи назар, бу тамойил жуда муҳим. Чунки асосий муаммоларимизнинг илдизи мана шу ерда.
Яна бир муҳимлик шундаки, бугун жамиятимизда ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, уни бойитиш, таъсир кучини ошириш ҳар қачонгидан зарур. Дунёда кузатилаётган оғир ҳолатлар катта сигналлар бермоқда. Халқ ва давлат бирдамлиги қанчалик заруратга айлангани аён. **Ижтимоий бирдамлик жамиятдаги муаммоларни фуқаролар, жамоатчилик фаоллиги асосида енгилда уникал куч вазифасини бажара олади.**
Юқоридагиларга кўра, келаётган сайловда парламентда сўллар позицияси мустаҳкамланиши мамлакатнинг барқарор ривожланишига, ҳукуматнинг халқимиз олдидаги масъулияти янада кучайишига хизмат қилган бўларди. Бундай дейишга, ишонинг, сабаб ва асослар етарлича топилди.
Аҳмад ҚУРБОНОВ,
сиёсий шарҳловчи.

QUTLOVLAR

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК



Фармон ТОШЕВ,
Самарқанд вилояти
«Зарафшон» ва
«Самарқандский вестник»
газеталари бирлашган
тахририяти бош муҳаррири,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист, Олий Мажлис
Сенати аъзоси:

– Бундан 32 йил илгари партиямизни ташкил этувчи республика комиссияси ишчи гуруҳининг аъзоси бўлганман ва унинг биринчи таъсис съездида иштирок этганман. Бундан ташқари, 1990-1996 йилларда шу партия нашри – «Ўзбекистон ovozi» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири сифатида кўплаб обрўли зиёли сафдошларим қаторида ЎзХДП ғояларини халққа етказишда, дастурлари ижросини таъминлашда баҳоли қудрат қатнашганман. Бошқача айтганда, менинг учун кадрдон партия бу...

Дунёдаги бугунги шароитда ижтимоий ҳимоя инсоният учун энг биринчи даражали вазифа эканини халқаро ҳамжамият ҳам тушуниб етмоқда. Ижтимоий ҳимоя – бу ожиз ёки ночорларни моддий қўллашгина эмас, балки уларда эртасига ишонч туйғусини шакллантириш, ўз кучига ишончини орттириш, жамиятга керакли эканлигини таъминлаш билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида ана шу ғоялар яққол кўзга ташланади. Бинобарин, партиянинг салоҳияти фақат унинг ғоя ва дастурларининг мукамаллигидагина эмас, балки уларни ижро этувчи сафининг салоҳиятида ҳамдир. Бу жиҳатдан олганда, мен партиямиз сафимизда мамлакатимизнинг энг илғор, энг зиёли, энг таниқли кишилари билан бир қаторда партиямиз дастурларини рўёбга чиқаришда ҳамқадам бўлаётганлигимдан фахрланаман. Улар ўз фаолликлари орқали фуқароларини маънавий, сиёсий, ҳуқуқий савиясини ўстиришга ҳам муносиб хисса қўшишмоқда.

Партиямиз бугунги кунда ҳам юртимиздаги илғор зиёлиларни ўз сафига жиپслаштирган, давлат томонидан қабул қилинаётган, аҳолининг муҳокамасидан ўтаётган деярли барча дастур ва лойиҳаларда ижтимоий ҳимоянинг устувор бўлиши – бу партиямиз ғояларининг нечоғлик муҳим ва барҳаётлигини кўрсатиб турибди. Бу эса мамлакатда тенглик ҳамда адолат тамойилларига йўғрилган ижтимоий муҳитнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам нафақат сайловчиларимиз, турли соҳа вакиллари, кенг жамоатчилик партиямиз дастурларига хайрихоҳлик билдиришяпти. Партиямизнинг ғоялари, дастурлари узоқ йиллар халқимизга хизмат қилишини англатиб турибди.

Аъзоларимиз, фаоллар, депутатлар ва барча хайрихоҳларимизни мустақиллигимиз билан қадамба-қадам одимлаб, юртимиздаги ислохотларга фаол хисса қўшиб келаётган партиямизнинг байрами билан самимий табриклайман.

— Авваломбор, яхши, улуғ ниятлар учун катта қадам ташлаганимиз ҳаммамиз учун муборак бўлсин. Биз эришган давлатнинг бошқаруви, сиёсий тузилмалар, ички ва ташқи сиёсий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш аслида жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Юқоридагиларга эришмасдан туриб, кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш имконсиз. Ҳозирги ўзгариш ва янгиланишлар замирида барқарорлик турибди.

Мен бир нуроний, мамлакатнинг етакчи партияларидан бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси сифатида бошқарув тизимида халқчиллиқнинг таъминланаётгани, яъни “инсон – жамият – давлат” тамойилининг устуворлигидан қувончдаман. Ҳар бир давлат ўз фуқароларининг тинчлиги, фаровонлиги, муносиб ҳаёт кечириши учун шароит яратиб бериши зарур. Бизда ҳам шу мақсадлар сари аниқ, илмий таҳлиллар билан асослантирилган, ҳар бир йўналишни алоҳида тизимга солувчи стратегик режалар асосида ишлар олиб борилмоқда. Энг асосийси, бизнинг партиянинг бош ғояси ҳисобланган ижтимоий ҳимоя масаласига жуда катта урғу берилмоқда.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни эсдан чиқармаслигимиз керак, давлат бу – комплекс тушунча. Унинг бир соҳаси ривожланиб, бошқаси ортда қолиши унинг мувозанатига, барқарорлигига путур етказиши мумкин. Бизда ҳамма соҳани параллел равишда ривожлантирадиган бошқарув тизимининг яратилгани ҳам улкан ютуғимиздир. Олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг самарасини Ўзбекистоннинг



Дилбар МАМАДЖАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

– Инсон тирик экан, ҳаётида ижобий ўзгаришларга интилиб яшайди. Ўзгаришлар ҳаётингиз, яшаш тарзингиз, мухитингизни



Акмал УМАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Тошкент вилоят
кенгаши раиси:

– Мамлакатимиз мустақил бўлганда 11 синфни битирдим, ўқишга кирдим. Эсимда, 1991 йил 1 ноябрда партиямиз ташкил топганда, отам Акбарали Умаралиев биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига кирган эди.

“Бу партия мустақил Ўзбекистонда биринчи партия, бу халқ манфаатларини, унинг энг



Шукуржон МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

халқаро майдонда нуфузи мустаҳкамлангани ва биз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлганларнинг сони ва салмоғи ҳам кўрсатиб турибди.

Кўзланган мақсадлар аҳолининг ҳар бир қатлами, керак бўлса, ҳар бир хонадонни қамраб олган, аниқ режага сингдирилиб, уни амалга оширувчи бошқарув тизими яратилган бўлса, халқ ва давлат ўртасидаги мувозанат мукамал бўлади. Уйлашимча, бизда шу мувозанатга эришилмоқда.

ўзгартиради.

Бундан 10 йил муқаддам мен Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлишим орқали шу каби ўзгаришларга эришаман, деб ўйламаган эдим. 2013 йилда партияга аъзо бўлишим ва партиядо фаолият бошлашим мен учун бироз эриш туюлган бўлса-да, кейинчалик тақдиримдаги муҳим ўзгаришларга, энг асосийси, инсонларга керак бўлиб яшашимга ва сиёсий майдонга кириб келишимга замин яратди.

Шу 10 йил ичида партия орқали маҳаллий Кенгаш депутатлигига, 2019 йилда эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланишимда партиямиз таъянч бўлди.

Партия ичида бўлмасангиз, ишларини ҳам, унинг ўрнини ҳам сезмайсиз. Агар партия билан ҳамнафас бўлсангиз, жамиятда партияларнинг ўрни ва мавқеини ҳис қиласиз. Амалга ошираётган ишларингиздан кайфиятингиз кўтарилади.

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалайди. Партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини халқ орасида кенг ёйиш ҳамда аҳоли муаммоларини ижобий ҳал этишда партиядан сайланган депутатларнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда халқ вакили қанчалик фаол ва жонкуяр бўлса, партиямиз шу даражада омма орасида обрў-эътиборга ва энг асосийси, халқнинг муҳаббатига сазовор бўлади. Партиямиз атрофига фаол ёшлар, аёлларнинг аъзо бўлишига эришилади ҳамда уларнинг ҳам ҳаётдаги ўрнини топишига кўмаклашад.

Албатта, партия томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар, тадбирлар ва халқ билан мулоқот ўтказиб, сайловчиларнинг меҳрини қозонишга муваффақ бўлинади. Масалан, партиямиз билан ҳамкорликда кўплаб ногиронлиги бўлган шахсларни ногиронлик

аравачалари билан таъминлашда кўмак кўрсатилди.

Шунингдек, кўплаб фуқароларнинг мурожаатларига асосан, мактабгача таълим ташкилотларини, мактабларни, соғлиқни сақлаш муассасаларини мукамал таъмирлашга эришдик.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги каби кўплаб электоратимизни қийнаб турган муаммолар ечимига йўл очадиган қонунлар қабул қилинишига эришилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ва мен каби инсонларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилишига эришган ва сиёсий етук шахсларни шакллантираётган партиямизнинг қутлуғ байрами билан барча партиядошларимизни, фахрийларини ва партиямиз сафига киришни ният қилган тарафдорларимизни табриклайман.

ман ва шахар партия кенгаши, 50 минг нафарга яқин аъзоларни бирлаштирган мингга яқин бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб боради. Тошкент вилоятида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган 17 нафар вилоят депутатлари ва 183 нафар туман ва шахар кенгаши депутатлари жойларда таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини олиб бормоқда. Натижалар бор, лекин ҳали вазибаларимиз кўп.

Барчамизнинг хабаримиз бор, мамлакатимиз сайлов тизимига аралаш, яъни мажоритар, пропорционал сайлов тизимини жорий этиш ва шу орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини янги тизим асосида ўтказиш таклиф этилмоқда. Сайлов кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатларининг 50 фоизи, яъни 75 нафари одатдагидек мажоритар сайлов тизимига мувофиқ бир мандатли сайлов округларидан сайланиши, қолган 50 фоизи, яъни 75 нафари пропорционал сайлов тизими асосида ягона сайлов округида партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхати бўйича сайланиши таклиф этилмоқда. Албатта, бу сиёсий партияларнинг мавқеи, аини пайтда масъулияти янада ошишига хизмат қилади.

Ушбу қутлуғ кунда, аввало, партияни тузиш ва шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшган барча фахрийларимизни муборакбод этамиз, уларга бардамлик, узоқ умр тилаймиз.

QUTLOVLAR

ПАРТИЯСИ 32 ЁШДА!



Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси
Жўқорғи Кенгесидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими бутунлай янги bosқичга кўтарилди. Бу сиёсат партиямиз дастурий мақсадлари билан ҳамоҳанглиги ғояларнинг рўёбга чиқишига хизмат қилмоқда.

Жумладан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя борасидаги ишларда хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилаётгани пар-

тия ташкилотларимиз ва депутатлик гуруҳларимиз фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу борадаги ишларни икки йўналишга ажратиш мумкин. Яъни, шундай тоифадаги хотин-қизлар борки, улар етарлича билим ва салоҳиятга эга. Уларга фақат ўз имкониятларини рўёбга чиқарадиган майдон керак. Партиямиз бундай аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун керакли майдонни яратиб бера олаяпти, деб ишонч билан айта оламиз. Қорақалпоғистон Республикасида жами партия аъзолари сони 45 минг нафарга яқин бўлса, шундан 22 минг нафардан кўпроги, яъни 53 фоизи хотин-қизлардир.

Сафимиздаги аёллардан бир нафари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, 7 нафари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, 24 нафари халқ депутатлари туман-шаҳар Кенгашлари депутатлари сифатида самарали меҳнат қилмоқда.

Иккинчи йўналишда ҳақиқатда ижтимоий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишларни таъкидлаб ўтишимиз керак. Бу борада партиямиз ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳалар оилалар ва хотин-қизларимизнинг турмуш даражасини ижобий жиҳатдан ўзгартиришга ҳисса қўшаётгани айна ҳақиқатдир. Қатор лойиҳалар орқали қанчадан-қанча хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўт-

казилиб, касаллари даволанишига, ногиронлиги бўлган аёлларнинг протез-ортопедия буюмлари, ногиронлик аравачалари билан таъминланишига ёрдам кўрсатилмоқда. Хотин-қизлар касбли ва ишли бўлмоқда.

Ижтимоий муҳим бўлган, жумладан, оилалар, хотин-қизлар ва болалар манфаатларига дахлдор қатор масалалар Жўқорғи Кенгесдаги фракциямиз, туман-шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари, доимий комиссиялар, Кенгашлар сессияларида муҳокама қилиниб назоратга олинмоқда ва ижроси таъминланмоқда. Бу ҳам айниқса, олис ҳудудлардаги қатор ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишига асос бўлмоқда.

Тан олиш керак, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш борасида, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан айнан Қорақалпоғистон бўйича қабул қилинган бир неча фармон ва қарорлар ҳар бир оила, оналар ва болаларнинг бахти саодати учун хизмат қилмоқда.

Биз, барча даражадаги ташкилотларимиз ва депутатлар юртимиз тараққиёти йўлидаги ислохотларда фаоллик кўрсатишимиз, илғор ғоя ва ташаббусларни илгари суриш орқали партия-мизнинг мавқеи янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшишимиз керак.



Малик ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон
ХДП
Андижон
шаҳар
кенгаши
раиси:

– Мен партияга аъзо бўлишни ҳам масъулият, ҳам шараф, деб билдим ҳамда Халқ демократик партияси аъзоси бўлдим. Чунки,

партия аъзоси бўлиш ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик билан яшаш, бу борада ўз фикрини дадил айтиш учун майдон эди. Шу тариқа партия ғояларини тарғиб қилиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсий фаолиятимда катта қадам қўйилди.

Ўшанда партияимизнинг ижтимоий ҳимояга асосланган мақсади менга маъқул келган эди. Ўтган 32 йил давомида партияимизнинг бош ғояси ижтимоий тенглик, ижтимоий ҳимояланганлик, аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий жиҳатдан заиф қатламлари ҳақида ғамхўрлик қилиш каби позицияси ўз долзарблигини йўқотмади. Чунки жамият бор экан, унда аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи албатта, бўлади.

Шу асосида ўтган давр мобайнида партиямиз одамларнинг қийинчиликларида шерик, яхши кунларида ҳамдам бўлди. Партия ташкил

этилганидан буён мамлакатимизда ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширди.

Хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш каби соҳаларда бир неча жиддий лойиҳаларнинг ташаббускори бўлди ва уларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Энг муҳими, амалий тадбирларимиз орқали юзлаб, минглаб одамларнинг муаммолари бартараф этилди, ижтимоий ёрдамга муҳтож қанчадан-қанча оилаларга кўмак берилди. Ҳозир ҳам бу ишлар изчил давом эттириляпти. Бугунга келиб, партиямиз манзилли ижтимоий ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларини ифода этувчи сиёсий куч сифатида тўла шаклланди ва тажриба ортирди, десам хато бўлмайди.

Йиллар синовидан ўтган, жамиятнинг етакчи қучларидан бири бўлган ЎзХДП сафида эканимдан фахрланаман ва барча партиядошларимизни байрам билан муборакбод этаман!



Шохруҳ ЎКТАМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги Ёшлар
парламенти аъзоси:

сат деганда, минбардан туриб, залворли нутқлар сўзлаш, доимий расмий кийим ва шунга ўхшаш элита ҳаёт кўз олдимиға келарди. Ўзбекистон ХДПда фаолиятимни бошлаган илк кунларда жуда ҳаяжонланганман, ижтимоий-сиёсий майдонга киришга, тўғриси, бироз ҳадиксиреганман ҳам. Лекин кейинчалик бу ҳадик ўрнини қизиқиш, жамият

– Айтишадики, шахсий карьера, бу – катта бир ҳикоя.

Аҳамият берганмисиз, сиёсий суҳбатлар осонгина қилиб кетади. Ер юзидаги инсонларни ўзига жалб қиладиган ҳар қандай ташкилот ўз сиёсатига эга. Сиёсат ҳар доим кундалик ҳаётимизда марказий ўринни эгаллаб келган ва бу келажакка йўналтиради. Сиёсий майдонга кириш, атрофдаги дунёни яхшироқ ўрганиш учун ижтимоий муносабатларни таҳлил қилиш керак.

10 йил олдин сиёсат деганда,

ишига кучли дахлдорлик туйғуси эгаллади. Сайловларда муваффақиятли қадам ташладим.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши аъзоси бўлдим. Мамлакат тарихида 21 ёшида депутат бўлган энг ёш депутат сифатида эътироф этилганман. Қўл кўтариб тасдиқладан ташқари, сайловчилар муаммолари билан ишлашни мажбуриятим, деб билганман.

Айтишим керакки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси шахс сифатида шаклланишимга катта замин яратди. Мамлакатимизда илк мартаба ташкил этилган Ёшлар парламентининг дастлабки аъзолари қаторидан жой олдим. Ҳозирги кунда ҳам Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг Маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорлик масалалари кўмитаси раиси сифатида фаолият юритиб келяпман. Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бош маслаҳатчиси сифатида ҳам меҳнат фаолиятини олиб борапман.

Ўтган даврлар давомида бир нарсга амин бўлдимки, уч давлат ҳокимиятидан ташқари, ягона олий ҳокимият – бу халқимиз иродаси экан. Партиямиз инсонлар ҳаётининг ҳар бир bosқичида жараёнларга кўмакчи бўлмоқда, фуқаролар билан мулоқот ўрнатиш йўлидан кетмоқда. Қонунларни қабул қилишда виждонан ва масъулият билан иштирок этиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Барча партиядошларимизга Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларида омадлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

Айни вақтда электоратимиз ижтимоий манфаатлари ва эҳтиёжлари йўлида фаол ҳаракат қилиб келаётган сафдошларим билан бирга эканлигимдан, партиямиз ичида туриб, халқимиз билан елкама-елка турганимдан фахрланаман.

Яқинда бир қизиқ ҳолат бўлди. Фуқаролар билан сайёр қабул вақти бир аёл мени четга имлади. Жон, деб аёлга яқинлашиб, унга қулоқ тутдим. Аёл 3 нафар фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи ҳам ишсиз эканлигини айтди. Ишсизлик, оиладаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабаб турмуши бузилиш оstonасида турганини кўзларида ёш билан сўзлаб берди. Эрақак киши ишламай уйда ўтирса, муаммолар ўз-ўзидан янада кўпаяди, камаймайди, деган ўй-фикрлар хаёлимдан ўтди. Бир инсоннинг, бир оиланинг тақдири бутун жамиятнинг тақдири билан боғлиқ, албатта.

Қабулда иштирок этаётган ҳамкор ташкилот раҳбарларидан бирига вазиятни тушунтирдим. Сайёр қабулдан сўнг аёл яшаётган хонадонга бордик. Не кўз билан қарайки, оиладаги муҳит аёлнинг кўзи ёшга тўлиб, дард билан сўзлаб берганича бор экан. Фарзандларининг каттаси ногирон тўшақда ётар, кейингиси мактабга чиққан, кичиги боғча ёшида, уйдаги шарт-шароитлар ҳам ҳақимикадар эканига гувоҳ бўлдик.

Аёлнинг ишсиз ўтирган турмуш ўртоғи билан узоқ гаплашдик. Маълум бўлишича, у илгари қурувчи сифатида ишлаган экан. Ҳамкоримиз ўша ерда қурувчи ферма бошлиғи билан гаплашди. Бир неча кунда масала ҳал бўлишини айтди. Биз бу билан чекланмадик. Аёл билан бир ҳафтадан сўнг яна гаплашдик. Турмуш ўртоғи қурилишга ишга қабул қилинибди, ишни бошлаб юборибди. Эшитиб бизам хурсанд бўлдик.

Баъзан катта йиғинларда, сайёр қабулларда очиқ мурожаат қилишга тортинадиган, орияти кучли ёки вазияти очиклиқни кўтармайдиган шу каби ҳолатлар кўп учрайди. Бундай оилаларда муаммолар бир эмас, бир неча бўлади.

Инсон шундай яратиган. Кимгадир ёрдами тегса, енгиллик ҳис қилади, шу нарса менгаям куч-ғайрат бағишлайди. Шунинг учун ҳам мен Халқ демократик партияси сафида турганимдан, ўз ишимдан катта завқ оламан, фаолиятимга иштиёқ билан ёндашаман.



Фахратдин ХАЛИЛАЕВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси
Жўқорғи
Кенгесидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:

– Давлат ва жамиятимизнинг ривожланишида сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам муносиб ўрни бор. Партиямиз сафидаги аъзолар, барча даражадаги депутатлар, мана, 32 йилдан бери халқимизнинг манфаатлари йўлида фаолият юритиб келмоқда.

Хусусан, электрот манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишда Қорақалпоғистон Республика Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳам фаол ҳаракат қилиб келяпти.

Хусусан, сайловчилар билан мулоқот қилиб, уларни ўйлантириб келаётган муаммоларини ҳал этишда, партия жамоатчилиги қабулхоналарига тушган мурожаатларга ечим топишда депутатларимиз анча фаол. Жорий йил бошидан Жўқорғи Кенгесдаги фракция-

миз аъзолари томонидан 293 та муаммо аниқланган бўлиб, шундан 278 таси ижобий ҳал этилди. Шунингдек, партия қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушган 599 та мурожаатнинг 578 таси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари томонидан ижобий ҳал этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси, барча қоракалпоғистонлик партиядошларимиз номидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 32 йиллиги билан самимий табриклайман.

Халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда, партияимизнинг дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш ва ғояларини аҳоли орасида тарғиб қилишда куч-қувват, оилаларингизга файзу барака тилайман.

Қўш саҳифани «Ўзбекистон овози» муҳбири
Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.



Замира ТОҒАЕВА,
ЎзХДП Навоий вилоят
кенгаши бўлим бошлиғи:

– Аввало, партиямиз ташкил этилганига 32 йил тўлиши билан барча партиядошларимизни муборакбод этаман. Ўтган давр мобайнида партиямиз мамлакатимизда демократик кадриятларни мустаҳкамлаш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшди, деб бемалол айта оламан. Айни вақтда электоратимиз ижтимоий манфаатлари ва эҳтиёжлари йўлида фаол ҳаракат қилиб келаётган сафдошларим билан бирга эканлигимдан, партиямиз ичида туриб, халқимиз билан елкама-елка турганимдан фахрланаман.

Партия ҳаётимни нафақат ўзгартирди, балки кўпнинг дуосини олишим учун ёрдам берди. Фаолиятимиз давомида депутатларимиз билан бирга одамларнинг оғирини енгил қилиб келяпмиз, муаммоларни ҳал қиляпмиз.

50% учун 3 йил яна

**МАРКАЗИЙ БАНК
БОШҚАРУВИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ
26 ОКТЯБРДАГИ ЙИҒИЛИШИДА
АСОСИЙ СТАВКАНИ ЙИЛЛИК 14
ФОИЗ ДАРАЖАСИДА ЎЗГАРИШСИЗ
ҚОЛДИРИШ БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАН. МАРКАЗИЙ БАНК
МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ШУ ВА
БОШҚА МУҲИМ РАҚАМЛАР ВА
ФАКТОРЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ
БЕРДИ. АНЖУМАНДА МАРКАЗИЙ
БАНК РАИСИ МАМАРИЗО
НУРМУРАТОВ, РАИСНИНГ
БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ НОДИРБЕК
САЙДУЛЛАЕВ ҲАМДА РАИС
ЎРИНБОСАРИ БЕҲЗОД ҲАМРАЕВ
ИШТИРОК ЭТДИ.**



Қайд этилишича, иқтисодиётдаги инфляцион жараёнлар ва қутилмалар йилнинг биринчи ярим йиллигидаги пасайишдан сўнг, маҳсулотлар тақлифидagi ўзгаришлар ва инфляцион талаб омиллари фонида биров тезлашиши кузатилган. Асосий ставканинг жорий даражаси йил охирига қадар инфляциянинг прогноз кўрсаткичлари доирасида шаклланиши учун зарурий пул-кредит шaroитларини таъминлашга хизмат қилади. Умумий инфляция йил бошидан пасаяовчи динамикада шаклланиб охирги чоракда 9,2 фоизгача тезлашди. Инфляция ўсишининг таркибий омиллари қаторида озик-овқат нархларининг 11 фоизгача тезлашиши, мева-сабзавотлар ва тартибга солинадиган нархлар ўзгаришининг умумий инфляциядаги ҳиссаси ортиши билан изоҳланди.

Шунингдек, тадбирда базавий инфляция йил бошидан пасайиб сентябрда 10,3 фоизни ташкил қилгани ва мазкур пасайиш тенденциясига қарамай, умумий инфляция билан сезиларли тафовутни сақланиб қолинаётгани, бу эса инфляциянинг барқарор компонентлари нархларида юқори ўсиш кузатилаётганини кўрсатиб, иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шaroитларини таъминлашни тақозо қилаётгани маълум қилинган.

Матбуот анжуманида Марказий банк бошқарувининг йиғилишида «Пул-кредит сиёсатининг 2024 йил ва 2025-2026 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари» концептуал жиҳатдан маъқуллангани тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Жумладан, 2023 йилга режа қилинган 5 фоизлик инфляцион таргетга эришиш мuddати узайтирилган. Марказий банкнинг асосий сценарийсида бу мuddат 2025 йилнинг иккинчи ярмига тўғри келиши, муқобил сценарийсида эса 2026 йил охиригача кечикиши прогноз қилинган. **Марказий банк инфляция даражаси 2023 йилда 8,5-9,5 фоиз, 2024 йилда 8-9 фоиз атрофида бўлишини режалаштирган.**

Хусусан, макроиқтисодий ривожланишнинг барча сценарийларида Марказий банкнинг асосий мақсади нархлар ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Келгуси йилларда ташқи иқтисодий шaroитларда жорий вазиятнинг кескин ўзгаришларсиз ривожланиши ва таркибий изоҳотларнинг фаол давом этирилишини асосий сценарий шартлари эъти белгиланган бўлса, ноаниқликларнинг янада кучайиши ва ташқи шaroитларда хатарли шокларнинг юзага келиши муқобил сценарий шартлари сифатида қайд этилди.

Асосий сценарийни ишлаб чиқишда кейинги йилларда макроиқтисодий тўғриланишларнинг амалга оширилиши, яъни энергия, транспорт ҳамда қишлоқ ва сув хўжалигидаги таркибий изоҳотларнинг фаол фазага кўчиши ва айрим-айримнинг мантиқий якунига етказилиши, фискал консолидация бошланиб умумий фискал дефицит ҳажми 2023 йилги кўрсаткичлардан қисқартириб борилиши, иқтисодиётда давлат улушининг камайиши, изоҳотлар натижасида хусусий инвестициялар ва экспорт ҳажмининг юқори суръатларда ўсиб бориши каби қарашларга таянилган.

Ушбу сценарий доирасида янгиланган прогнозларга кўра, 2022-2023 йилларда юзага келган ташқи вазиятдаги ўзгаришларнинг тақлиф омилларига бўлган босими узокроқ сақланиб қолаётганини ҳамда айрим тартибга солинадиган нархлар тўғриланишининг умумий инфляцияга бўлган таъсирларини инобатга олиб, **инфляциянинг доимий 5 фоизлик таргетига эришиш даври 2025 йилнинг иккинчи ярмига тўғри келиши тахмин қилинапти.**

Шунингдек, инфляцион таргетга (Мамаризо Нурмуратовнинг таърифлашича, инфляцион таргет бу, ўзбекча айтганда, иқтисодиётимизни кема деб олсак, уни барқарорлаштирувчи лангаридир) эришиш даврининг узайиши, бир томондан иқтисодиётдаги ялпи тақлифнинг ички

истеъмол талабини етарли даражада қондиришга кечикаётгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ялпи талабни тийиб туришга қаратилган кескин чоралар кўрилган тақдирда иқтисодий фаоллик ва молиявий барқарорликка жиддий хатарлар туғдириши мумкинлиги билан боғлиқ.

Макроиқтисодий ривожланишнинг асосий сценарийси доирасида 2024 йилда инфляция даражаси 8-9 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Инфляциянинг мазкур даражада бўлишини таъминлаш учун пул-кредит шaroитлари 2024 йилда ҳам нисбатан қатъий фазда сақлаб қолинади. Аини пайтда, 2024 йилда тартибга солинадиган нархларнинг тўғриланиш даражасидан келиб чиқиб инфляциянинг прогнози қайта янгиланиши ва мос равишда пул-кредит шaroитларига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Пул-кредит сиёсати таъсирчанлигини оширишда банк тизимида долларлашув даражасини пасайтириш, имтиёзли кредитлаш амалиётини қисқартириш ва бозор тамойиллари асосида шаклланувчи фоиз ставкаларига ўтиш борасида чоралар давом эттирилади. Асосий сценарий доирасида эса 2024 йилда ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши прогнози 5-5,7 фоиз атрофида бўлиши кутилаётган бўлса, 2025 йилда 5-6 фоиз ва 2026 йилда 5,5-6,5 фоиз атрофида шаклланиши прогноз қилинмоқда.

Муқобил сценарий доирасида, асосий сценарийдан фарқи равишда, ташқи шaroитларнинг бирмунча ноқулай шаклланиши ички нархларга қўшимча босим яратишини инобатга олиб, **2024 йилда инфляция даражаси 9-10 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.** Бунда доимий таргетга эришиш даври янада узокроқ даврга кечикиб, 2025 йилда инфляция 7-8 фоиз атрофида бўлиши ва 2026 йил якунига келиб 5 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда. Мазкур сценарий доирасида иқтисодий фаоллики қўллаб-қувватловчи асосий омил фискал рағбатлантиришлар бўлади. Бунда, ўрта мuddатли истикболда ЯИМ реал ўсиши базавий сценарийда келтирилган прогнозларга нисбатан 1,5-2 фоиз бандга пастроқ бўлиши мумкин.

“Пул-кредит сиёсатининг 2024 йил ва 2025-2026 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари”нинг концептуал жиҳатдан маъқулланган дастлабки лойиҳаси Марказий банк расмий саҳифаларида эълон қилиниб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилади.

Маълумот ўрнида, Марказий банк 2020 йилдан бошлаб инфляцион таргетлашга ўта бошлади. Доимий инфляция мақсади – 5 фоизга 2023 йилга келиб эришиши белгиланди. 2022 йил 22 июлда эса регулятор 5 фоизлик таргет мақсадига эришиш мuddатини 2024 йил охиригача қолдирганди.

АЛМАШТИРИШ БИЛАН ПУЛНИНГ ҚАДРИ ОШИБ ҚОЛМАЙДИ

Асосий маълумотлардан кейин Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов журналистларнинг саволларига жавоб берди.

– Имтиёзли кредитлаш амалиётини қисқартириш бўйича чоралар давом эттириладими?

– Келгуси йилларда пул-кредит сиёсати таъсирчанлигини оширишда имтиёзли кредитлаш амалиётини қисқартириш ва бозор тамойиллари асосида шаклланувчи фоиз ставкаларига ўтиш борасида чораларни давом эттиради. Марказий банк банк тизимида долларлашув даражасини пасайтириш, имтиёзли кредитлаш амалиётини қисқартириш ва бозор тамойиллари асосида шаклланувчи фоиз ставкаларига ўтиш борасида чораларни кўради.

Банк тизими ликвидлигинининг қисқариши шaroитида молиявий барқарорлик масаласи ҳам кун тартибига кўтарилиши мумкин, Марказий банк ликвидликни бошқариш инструментларидан фаол фойдаланиш орқали тизим барқарорлигини

таъминлаш чораларини кўриб боради.

– Инфляция юқорилаб бориши оқибатида ўзбек сўми ҳам қадрсизланаяпти. Шундай шaroитда пул алмаштирилса бўлмайdimи?

– Миллий валютамиз долларга нисбатан қадрсизланиши жуда ошиб кетиши кузатилгани йўқ. Жорий йилнинг 9 ойида долларнинг қадрсизланиши 8,3 фоизни ташкил қилди. Инфляция эса 9,2 фоизни ташкил қилмоқда. **Пулни алмаштириш билан пулнинг қадри ошиб қолмайди. Иқтисодий вазиятда, иқтисодий мувоzanатда маълум бир ижобий ўсиш ва ўзгаришларга эришмасак, бу пулни алмаштириш бирор бир таъсир кўрсатмайди.** Пулни алмаштириш техник ҳолат. Иккинчидан, бугунги кундаги вазият, келгусидаги вазиятимиз пулни алмаштиришни тақозо этаётгани йўқ.

– Уй-жой бозорида “нарх пуфаги” кенгайишда давом этмоқда. Марказий банк ўзида мавжуд бўлган инструментлардан фойдаланадимми?

– 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида уй-жойларнинг бозор нархи фундаментал нархидан ўртача 36 фоизга ортиқча баҳоланган. Ипотека кредити қарздорлари ўз даромадларининг ўртача 46 фоизини қарз сўндиришга йўналтирмоқда. Бу кўрсаткич 1 йил давомида 9,3 фоиз бандига ошган. Ҳар минг аҳолидан 16 таси ипотекадан қарздордир.

Шундай бўлса-да, уй-жойга бўлган доимий талабнинг сақланиб қолиши, тақлиф ҳажмининг эса юқори потенциалда шакллана олмаслиги натижасида келгусида кўчмас мулк бозорида талаб ва тақлиф номутаносиблиги ортиши эҳтимолий “нарх пуфаги” янада катталаниши мумкинлигига ишора беради.

Ўзбекистонда кўчмас мулк бозоридаги талаб ва тақлиф ўртасидаги номутаносиблик натижасида шаклланаётган, уй-жойларнинг бозор ва фундаментал нархлари ўртасидаги нисбатан юқори тафовут, кўчмас мулк бозорида тизимли хатарлар юзага келиш эҳтимолини оширади. Мамлакатда иқтисодий фаоллиқнинг пасайиши, аҳоли умумий реал даромадининг камайиши, шунингдек, реал фоиз ставкаларнинг ортиши ва ипотека кредитлари ажратиш талабларининг қатъийлаштирилиши каби омиллар кўчмас мулк бозоридаги талаб ҳажмининг камайишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида, кўчмас мулк бозорида уй-жой нархларининг кескин пасайиши ҳолати кузатилиши мумкин.

Биз “нарх пуфаги” пайдо бўлди демоқчи эмасмиз. Бу ердаги асосий жиҳат бирламчи ва иккиламчи кўчмас мулк бозоридаги фарқдан келиб чиқилган. Яъни, Марказий банк ипотека кредитларининг фоизларини камайитириш, ошириш ёки чеклаш борасида ҳеч бир чора қўлламоқчи эмас. Бу фикрга ургу берганимиздан асосий мақсад ипотека кредитларининг тез суръатда ошиши ва енгилликлар бозордаги нархлар ўзгаришига таъсир қилади. **Хавф даражаси юқорилашса, кредитларни чеклаш каби чоралар билан таъсир ўтказишимиз мумкин.** Қонунчилик ҳужжатларида ҳам ипотека инқирозининг олдини олиш мақсадида ажратиладиган маблағнинг максимал миқдори чекланган. Бу ҳам ўз навбатида пуфак ёрилишининг олдини олишга ёрдам беради.

– Бир неча кун давомида «НУМО» тўлов тизимида муаммолар кузатилди. Бунга нима сабаб бўлганини айта оласизми?

– Ҳақиқатан ҳам 2-3 кун давомида «НУМО» тўлов тизими фаолиятида камчиликлар кузатилди. Бунинг асосий сабаби тизим ўз дастурий таъминотини тўлиқ янгилаб чиқди. Кўпчилик таҳмин қилганидек, бу ерда бошқа муаммо йўқ. Асосий ва ягона сабаб шу.

– Валюта айирбошлаш имконияти хусусий тадбиркорларга ҳам берилса, банклардаги навбатлар камайишига эришлармиди?

– Валюта айирбошлаш функцияси фақат банкларда бўлади. **«Кўча»га бу функция тақдим этилишини кутмаслик керак. Бу қатъий қарор!**

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, “Ўзбекистон ovozi” муҳбири.

БОЛАНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ КАФИЛИ

Миллий қонучилигимизда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари сони 40 дан, қонуности ҳужжатлари сони 500 дан ортиқни ташкил этади. Лекин болалар зулмга, зўравонликка дуч келганда, ҳимоя қилиш, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик билан ихтисослашган ҳолда иш олиб бориш ҳамда унинг ижроси бўйича таъсирчан механизмларни яратиш зарурияти юзага келди.

Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси шу жиҳатдан бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Қонун лойиҳасида Болалар омбудсманини сайлаш тартиби, вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фаолиятининг асосий жиҳатлари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя қилиниши ҳолати ҳақида маъруза тақдим этиши назарда тутилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, лойиҳада Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг болага нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз,



ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир фаолияти алоҳида моддада кенг тарзда баён этилмоқда.

Албатта, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар асосан ҳудудларда амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланмоқда.

Болаларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан мурожаатларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шунинг учун қонун лойиҳасида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан аризалар, тақлифлар, айнисқа, шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари батафсил мустаҳкамланмоқда.

Кейинги вақтларда болалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, болага қарши жиноятлар кўпаймоқда. Ушбу ҳолатларда боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафили бўлиши нуқтаи назаридан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокуратура ва суд билан ҳамкорлиги ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Норвегия, Дания, Швеция, Финляндия, Янги Зеландия, Канада, Австрия, Россия, Қозоғистон каби хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Болалар омбудсмани институт, тизим сифатида шаклланишига асос бўлади, боланинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколат-имкониятлар яратади.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси ўринбосари, ЎзХДП фракцияси аъзоси.



ТЕНДЕРСИЗ, УЯТ ЭМАСМИ?

Бир неча йиллар олдин мамлакатда ёпиқлик кучли эди, давлат идоралари фаолияти ҳам шунга яраша бўларди, қарорлар деворлар ва эшиклар ортида қабул қилинарди. Бир неча йилдан бён мамлакатимиз очиклик томон катта қадам ташлади, давлат идоралари шунга муносиб ишлашга қатъий ундалмокда. Деворлар ортида қабул қилинадиган давлат харидлари билан боғлиқ қарорлар бўлмаслиги учун ҳуқуқий асос, очик механизм яратилди. Лекин, афсуски, харидлар билан боғлиқ муаммолар мумкин бўлганидан анча кўплиги аён бўлиб қолди.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил учун давлат бюджетининг асосий йўналишлари ҳамда тармоқ ва ҳудудларда амалга ошириладиган вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди. Жамият ривожига тўққинлиқ қилаётган айрим муаммолар танқид қилинди. Улар орасида давлат харидларига оид масалада ҳам сўз борди. Хусусан, **давлат харидларининг 58 фоизи тендер ўтказилмасдан амалга оширилаётгани таъкидланди.**

2021 йилнинг апрель ойида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Қонунга кўра, давлат хариди – товар (иш/хизмат)ларни давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш ҳисобланади. Электрон давлат харидлари — электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усулидир. Давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахсга нисбатан эса давлат буюртмачиси номи қўлланилади.

Давлат харидларининг асосий принциплари – давлат буюртмачисининг касбий маҳорати, асосланганлик, молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлик ва самарадорлиги, очиклик ва шаффофлик, тортишув ва холислик, мутаносиблик, давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги, коррупцияга йўл қўймаслик ҳисобланади. Бу принциплар давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши зарур.

Тизимда шаффофликка эришиш, очикликни таъминлаш мақсадида эса махсус ахборот портали ишга туширилган. Унда давлат харидлари ўтказилиши, эълонлар, харид якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари, иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборот ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар ўрин олган бўлиши керак.

Аслида давлат харидлари ҳар бир мамлакат учун, хусусан, унинг иқтисоди учун жуда муҳим. Давлат ҳусусий корхоналардан товар ва хизматлар сотиб олади. Бунинг учун бюджет маблағлари, яъни солиқ тўловчиларнинг пуллари ишлатилади. Шунинг учун жараён ошкора, адолатли ва рақобатбардош бўлиши зарур. Афсуски, қонуниликдаги ўзгартиришлар кутилган натижани бермаяпти. Мазкур тизимда порахўрлик, фирибгарлик, келишув сингари турли шаклдаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилмокда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам бу борада турли саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилади. Давлат харидларида шаффофлик етишмаётгани танқид қилинади. Сабаби, жойларда ноқонуний тендерлар, тушунарсиз ҳолатлар оз эмас.

Жорий йилдаги айрим ҳуқуқбузарликлар ҳақида айрим фактларни келтирамиз. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ўтказилган мониторинг натижасида “Тошкент кўприклардан фойдаланиш” унитар корхонаси буюртмачилигида “etender.uzex.uz” портали орқали автомобиль йўллари жорий таъмирлаш учун 2023 йил 27 март кuni соат 23:35 дан 28 март кuni соат 00:44 гача жойлаштирилган эълонлар юзасидан 7 та лот бўйича жами 3 625,5 млн сўмлик давлат харидлари ноқонуний равишда

ўтказилгани аниқлангани ҳақида эълон қилинди.

Хусусан, харид комиссияси томонидан фойдаланилган компьютер IP-манзиллари маълумотлари ўрганилганида “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10, 14 ва 46-моддалари талабларига зид равишда корхона харид комиссияси раиси, аъзолари (овоз бериб баҳолаш ваколатига эга) ва комиссия котиби 2023 йил 27 март кuni соат 23:35 дан 28 март кuni соат 00:44 гача 7 та лот бўйича IP-манзили бир кишига тегишли бўлган компьютер орқали бошқарилиб, харид натижалари баҳолангани ва баённома расмийлаштирилгани маълум бўлган.

Яна бир ҳолатда Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги буюртмачилигида ўтказилган 200 млн сўмлик давлат харидида иштирок этган 3 та талабгорлардан 2 таси бир шахсга тегишли экани, яъни ўзаро аффиллангани аниқланган. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан олиб борилган мониторинг натижасида “Аёллар дафтери”да турган фуқароларга тикув машиналари харид қилиш юзасидан 2023 йил 13 февраль кuni ўтказилган 200 млн сўмлик давлат харидида бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Шунингдек, ушбу харидда иштирок этган 3 та тадбиркорнинг ҳужжатлари махсус электрон платформага буюртмачига тегишли компьютердан фойдаланилган ҳолда юклангани маълум бўлган.

Энди шубҳали ҳолатлар ҳақида ҳам тўхталайлик. Масалан, июль ойида Тошкент шаҳри Олмасор тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ўтказган 5 та тендернинг барчасини “INNOGROUP” МЧЖ қўлга киритгани ҳақида маълум қилинди. Бўлим тумандаги 5 та мактабга меҳатроника хонаси ва виртуал реаллик марказини ташкил қилиш ҳамда жиҳозлаш учун 5 та тендер ўтказган. Буни қарангки, уларнинг ҳаммасида ёш тадбиркорнинг фирмаси ғолиб чиққан.

Ёки радиода реклама бериш билан боғлиқ тендерни фаолият тури кийимлар улғуржи савдоси билан шугўлланиш бўлган

фирма қўлга киритиши жуда ажабланарли ҳолат. Маълум қилинишича, “Ўзтелеком” АЖ 1 июнь кuni компания хизматларини радиоэфир орқали реклама қилиш учун 1,4 млрд сўмлик тендер эълон қилган. 8 кун давом этган жараёнда “Merches” МЧЖ ғолиб бўлган. Мазкур фирма раҳбари Россия фуқароси Олег Гришанов бўлиб, унинг фаолият тури сифатида кийимлар улғуржи савдоси билан шугўлланиши қайд этилган. Гришанов МЧЖнинг 80 фоиз улушига эгалик қилса, 20 фоизи Фарҳод Ураловга тегишли. Ушбу тендер кишида таажжуб уйғотади. Бу каби ҳолатлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Давлат мансабдор шахси шартнома тузиш учун иштирок этаётган компаниядан манфаатдор бўлса, манфаатлар тўқнашуви юзга келади. Қарабисизки, бундай тендерлар “қонуний” бўлаверади. Баъзи ҳолларда таклифларни баҳолаш комиссияси аъзоси иштирокчи билан шахсий муносабатларга эга бўлиши мумкин. Ана шундай вазиятларда ҳам тендер маълум бир шахс фойдасига сунъий равишда ҳал бўлади.

Бундан ташқари, тендер ҳужжатларини мураккаблаштириш, кераксиз талаблар қўйиш, ноҳолис ёки сохта саралаш ҳам давлат харидларидаги ҳуқуқларнинг бузилишга олиб келади. Айрим пайтларда тендер лойиҳаларини амалга ошириш учун жуда кам вақт кўрсатилади ёки тақдим этилади-ган ҳужжатлар асоссиз равишда қайтарилади. Билиш мумкинки, бунда ҳам иш “тоза” эмас.

Энг кўп кузатиладиган ҳолатлардан бири хизматлар ёки товарлар жуда қиммат нархга баҳоланади. Бунда харидор ва тендерда ғолиб чиққан шахс ўртасида келишув бўлиши мумкин. Ўз нархидан қимматга баҳоланган тендердан тушган фойда уларнинг ўртасида тақсимланиши турган гап.

Афсуски, тизимдаги ҳуқуқбузарликларнинг турларини санаш билан уларни ҳал қилиб бўлмайди. Давлат харидларини тендер орқали амалга ошириш ва бу ҳақида оммага хабар қилиб бориш тизими йўлга қўйилгани яхши. Ўзгаришлар ҳамиша оғир бўлади. Ҳар ким ўзи томонга тартади, ҳамма ўз манфаати йўлида янгиликдан фойдаланиб қолишга уринади. Лекин бундай пайтда давлат ташкилотлари, хизматчилари қонунга бўйсунishi билан ўрнатилган қўрсатилиш шарт. Акс ҳолда, давлатнинг обрўсига жиддий путур етади. Ҳар бир масўл буни тушуниши учун тушунтиришни ҳам, жазони ҳам қучайтириш зарур.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон ovozi” муҳбири.



БОЛАЛАРДА АУТИЗМ БЕЛГИЛАРИНИ АКСАРИЯТ ОТА-ОНАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ПАЙҚАМАЙДИ

ТАҲЛИЛЛАРГА КўРА, сўнгги йилларда дунё бўйича тахминан ҳар 50 нафар боладан бирига аутизм ташхиси қўйилмокда. Бу ўтган 10 йилга яқин вақт ичида кўрсаткичлар қарийб тўрт баробар ошганини тасдиқлайди.

Хўш, аутизм қандай касаллик? У қандай белгилар билан намоён бўлади?

Шоанвар ШОМАНСУРОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Аутизм — руҳиятнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолат. У мия фаолиятига бевосита таъсир қилувчи неврологик бузилишлар натижасида келиб чиқади.

Ушбу ташхис қўйилган жажжи беморлар ташқи олам, атрофдагилар билан мулоқот қилишни ис-тамайди. Ёлғизликни хуш кўради. Бир хил хатти-ҳаракат ва сўзларни такрорлайди.

Аутизмга чалинган бола ўз оламида яшайди. Фикрлаши бошқаларнига жавоб қайтармайди. Уларнинг хатти-ҳаракатларида ҳиссий кечинмалар асосий ўрин тутайди.

Ушбу касаллик кўп ҳолларда 3 ёшгача бўлган болаларда пайдо бўлади. Аммо унинг илк белгиларини аксарият ота-оналар ўз вақтида пайқай олмайди. Яққолроқ аломатлар эса 2-3 ёшли беморларда кўзга ташланиши эҳтимоли юқори.

Аутизмнинг илк босқичларида бола ота-онанинг айрим ҳаракатларига жавоб қайтармайди. Масалан, уни исми билан чақирганингизда қарамайди. Атрофдаги одамлар, қариндош-уруғлар, уларнинг фарзандлари билан дўстона ва илиқ муносабатлар ўрната олмайди.

Касалликка хос асосий симптомлардан яна бири бемор болаларнинг ўзгалар кўзларига тик қарай олмаслигидир. Бу каби вазиятларда улар нигоҳларини олиб қочишга ҳаракат қилишади.

Қолаверса, бундай бемор болалар баъзида гапларни эшитмайди, у ёки бу ўйинчоқ билан қандай ўйнашни билмайди, бошқаларга жилмаймайди. Гўдак 12 ойлик бўлса-да индамайди, атрофга қизиқиш боқмайди, 2 ёшида ҳам гапира олмайди. Уйқу бузилишлари, тажовузкорликка мойиллик ва кўрқув ҳам аутизм белгилари бўлиши мумкин.

Ушбу хасталикка чалинган болаларга тиббий амалиётда тахминан 4 ёшлигида аниқ ташхис қўйилади. Лекин бу анча кеч муддат. Ваҳоланки, бундай беморларда 18-24 ойлигидаёқ тегишли муолажалар бошланса, уларнинг соғлом ҳаётга қайтиши осон кечади.

Ҳозирги кунда аутизм билан касалланган болаларга ижтимоий мослашув муассасаларида тиббий, педагогик, психологик ва реабилитацион ёрдам кўрсатилади.

ЭЪЛОН

«BANYAN» МЧЖ бошланғич нархи босқичма - босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2023 йил 17 ноябрь кuni соат 14.00.да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига “Андижон дори-дармон” АЖнинг 24.10.2023 йилдаги №343-сонли буюртманомасига асосан жамият тасарруфида бўлган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмокда: 1.Улуғнор туман маркази, Мустақиллик кўчаси 2-уй манзилида жойлашган бошланғич баҳоси: 1 538 832 322 сўм бўлган 11-сонли дорихона бино иншоотлари. 2. Андижон шаҳар Бобур шоҳ кўчаси, 55-уй манзилида жойлашган бошланғич баҳоси: 1 810 452 729 сўм бўлган 2-сонли дорихона бино иншоотлари.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2023 йил 17 ноябрь кuni соат 14:00.да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 4,19 декабрь, 2024 йил 3,18 январь, 2,19 февраль, 5,20 март, 4,19 апрель ҳамда 6,21 май кунлари соат 14:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишув шартномасига асосан кўчмас мулклар бошланғич нархининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорида закатал пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

- юридик шахслар - давлат рўйхатида ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин соат 16:00.да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 банк кун ичида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига сотилган мулк қиймати-дан 1 % миқдоридидаги пул маблағини тўлаб бериш ҳамда 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати сотилган мулк қийматига 15 % ҚҚСни кўшган ҳолда олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Савдо ўтказиладиган манзил:Андижон шаҳар, Оғахий кўчаси, 1-уй. Закатал пулини тўлаш учун реквизитлар «BANYAN» МЧЖ. АТ “Xalqbank” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. х/р: 20208000300757166001. МФО 01125. СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51- уй. Телефон: +998-71-207-25-53.

Лицензия RR – 0298.

